

Коинотнинг кенгайиб бориши



09:43 / 11.08.2017 5655

1925 йилда америкалик астроном Эдвин Ҳабл кузатув ишлари давомида шунга гувоҳ бўлдики, барча галактикалар бир-бирларидан тобора узоқлашиб бормоқда, яъни коинот кенгаймоқда. Бугунга келиб эса, коинотнинг кенгайиши илмий исботланган фактга айланди. Қуръон эса бу ҳолатни қуйидагича ифодалаган:

Ва осмонни куч-қудрат ила бино қилдик. Албатта, Биз уни Кенгайтирувчимиз.

(Заарийаат сураси,47-оят)

Арабча муциуун сўзи «бирон нарсани кенгайтириш» деб таржима қилиниши мумкин, яъни, бу коинотнинг кенгайиб боришига далолат қилади.

Атоқли астрофизиклардан бири бўлмиш Стефен Ҳовкинг ўзининг «Вақтнинг Қисқача Тарихи» китобида айтади, «Коинот кенгайиб боришининг кашф этилиши XX асрнинг буюк интеллектуал инқилобларидан бири бўлди.» Қуръон эса, инсоният телескоп яшашни ўрганмасидан илгари, коинотнинг кенгайиб боришини айтиб қўйибди.

Кимдир айтиши мумкин, Қуръонда астрономияга оид фактларнинг келишининг ажабланарли жойи йўқ, чунки Араблар астрономия соҳасида илғор эдилар. Уларнинг Арабларни астрономия борасида етакчи бўлганларини эътироф этишларига қаршилигимиз йўқ, лекин, Қуръон Арабларнинг фалакиёт илмида етакчи бўлиб олишларидан бир неча аср илгари нозил бўлганини улар эсдан чиқарган кўринишади. Унинг устига, юқорида эслатиб ўтилган, оламнинг яратилиши борасидаги Улкан Портлаш ҳодисаси ва бошқа бир қатор илмий фактлар, Арабларга, илмда юксак чўққиларга чиққан пайтларида ҳам, маълум бўлмаган. Шундай экан, Қуръонда келган илмий фактлар Арабларнинг астрономия соҳасидаги эришган ютуқлари сабабидан эмасдир. Аксинча, уларнинг астрономия, яъни фалакиёт соҳасида шундай етакчи бўлганликлари, астрономия Қуръонда ўз ўрнига эга бўлганидандир.

Ушбу оят тафсири бўйича устозимиз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф хазратларининг "Тафсири Ҳилол" китобларида маълумотлар:

«Ва осмонни куч-қудрат ила бино қилдик».

Аллоҳ таоло осмонни бино қилганини айтиб бўлгандан сўнг Ўзининг «Кенгайтирувчи» эканини таъкидламоқда.

«Албатта, Биз уни Кенгайтирувчимиз».

Шу маънони таҳлил қилиб кўрайлик. Илмий жиҳатдан ёндошганда ҳам осмоннинг кенглиги қаергача етиб боришини ҳали ҳеч ким билгани йўқ. Фақат осмонда миллиардлаб юлдузлар тўплами бор эканини тахмин қилмоқдалар ва ҳар бир тўплам ўзида миллионлаб юлдузларни жамлашини айтмоқдалар. Шунинг ўзидан Аллоҳ таолонинг қандай Кенгайтирувчи эканини билиб олиш қийин эмас.

«Кенгайтирувчи»нинг иккинчи маъноси илмий кашфиётлардан сўнг маълум бўлди. Фалакиёт илми мутахассислари кейинги пайтда биз яшаётган сайёралар мажмуаси, яъни галактикамизнинг кенгайиб

бораётганини аниқладилар. Демак, Аллоҳ таоло Ўзи кенг қилиб яратган осмонни яна ҳам кенгайтираётган экан.